# ОТАЖОННИНГ ОТАШИН ҚЎШИҚЛАРИ

*Олий, ўрта махсус, мусиқа коллеж ҳамда лицейлари учун қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган*

МУСИҚА НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 2003

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўпловчи ва нотага олувчи – Самандар ХУДОЙБЕРГАНОВ

Масъул муҳаррир:

Ботир РАХИМОВ – Ур.ДУ «Мусиқа» кафедрасининг мудири, доцент в.б.

Тақризчилар:

Отаназар МАТЁҚУБОВ – санъатшунослик фанлари номзоди, профессор
Отаназар ЧЎПОНОВ – филология фанлари номзоди, доцент
Эркин РЎЗИЕВ – педагогика фанлари номзоди, доцент

**Самандар Худойберганов**

# ОТАЖОННИНГ ОТАШИН ҚЎШИҚЛАРИ

**Олий, ўрта махсус
мусиқа коллеж ҳамда лицейлари
учун қўлланма**

Матнлар муҳаррири *Э.Мадрахимов*
Рассом *Ҳамро Рахимов*
Нота муҳаррири *Н. Сабирова*
Компьютерда саҳифаловчи *Б.Ашуров*

Босишга 20.07.2003 й. да рухсат этилди. Бичими 60х90 $^1/_8$. Таймс гарнитура. Офсет босма. 10 шартли босма тобоқ. 11,5 нашр босма тобоғи. Жами 1000 нусха. рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Отажоннинг оташин қўшиқлари (тўпловчи ва нотага олувчи Самандар Худойберганов): Олий ўрта махсус мусиқа коллежлари ҳамда лицейлари учун қўлланма. – Т., 2003. 80 б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚАЛАМ ВА ТОР

Қоронғу тунларда осмонга боқсангиз унинг ҳадсиз-худудсиз пештоқларида милтиллаб турган беҳисоб юлдузларга кўзингиз тушади. Булар биздан неча миллион йиллик узоқ осмон чироқлари. Улар шу қадар кўпки, сонини ҳисоблаб чиққан фалакиёт фанини сув қилиб ичган зукко билимдонлар ҳам, мунажжимлар ҳам бўлмаган бўлса ажаб эмас. Аммо, одамзодни кўкка боққан сари сеҳрлайдиган яна бир ҳайратли мўъжиза – ҳали ҳеч бир донишманд еча олмаган буюк бир тилсим бор: бу – ўша юлдузларнинг қай бири ердан қанчалик узоқларда жойлашгани бўлса, шунчалик жимжимадор, ёруғ ва равшан чарақлаб, кўнглингизга ажиб бир шукуҳ, завқ-шавқ, юракларга орому ўзгача бир нурафшонлик бахшида этишидир.

Санъатнинг ҳам ўз ёруғ осмони жозиб ва мафтункор пештоқларини ҳам жилолантириб, яшнатиб турган сон-саноқсиз, зиёбахш, чақноқ юлдузлари бор.

Албатта, санъат осмонида юлдуз бўлиб порлаш ва бу осмонда порлоқ юлдуз бўлиб қолиш ҳар ким, ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Хоразмда азалдан буюк санъаткорлар эл кўнглини ўзларининг сеҳргар овозлари билан лол қолдириб ўтишган: Мадраҳим Ёқубов (Шерозий), Ҳожихон Болтаев, Бола бахши Абдуллаев, Комилжон Отаниёзов, Рўзмат Жуманиёзов, Матёқуб Раҳимов, Султонпошша Раҳимова, Назира Юсупова ва бошқалар.

Бу юлдузлар силсиласини эса яна бир эл севган ва ардоқлаган машҳур ҳофиз Отажон Худойшукуровсиз тасаввур қилиш қийин. Мўътабар бу ном неча минглаб, миллионлаб юракларни қарийиб ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида ларзага солмаган, кўнгилларга ажиб бир тароват, қувонч-севинч, ҳаяжон ва лаззат, шарбатлардан тотли завқ-шавқ бағишламаган дейсиз?! Мен шоир сифатида Отажоннинг созидан доим илҳомланиб келдим. Ана шу шуурдан таъсирчан туйғуларни сўзга солишга интилдим. Қаламга тушган сатрларимнинг Отажон дилидан жой олганларининг айримлари қўшиққа айланиб кетган. Уларни ҳофизнинг оташин овозидан эшитганимда гўё ўзим айтаётгандек бўлардим, қалам тор чалаётгандек туюларди. Қалби дарё санъаткор билан ижод гирдобига шўнғиган дамларим - умримнинг энг бахтиёр лаҳзалари бўлиб қолажак.

Ҳофиз дили қўшиққа пайванд туркийзабон халқларнинг барчаси учун ҳам бирдай ардоқли, бирдай қадрдон, бирдай мафтункор эди.

У 1944-йилнинг 4-октябрида таваллуд топиб, 1994-йилнинг 22-декабрида оламдан ўтди. Отажон Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркманистон ва Татаристон республикалари халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати эди.

Отажон Худойшукуровдан бизга жозибадор, бир-биридан гўзал ва оҳанграбо қўшиқлар, мумтоз ашулалар, мақомлар бебаҳо мерос бўлиб қолди. Булар эл-юртнинг, маънавиятимизнинг, шукуҳли санъатимизнинг дурдона мулки бўлиб, келажак авлодга ҳам буюк ҳофиздан боқий ёдгорликдир. Бунга мисол тариқасида Отажон Худойшукуровнинг илк қўшиқлар гулдастаси нотага олиниб, элимизга туҳфа этилмоқда. У туғилиб ўсган Тўрткўл шаҳридаги маданият саройи ва битта кўча, Бўстон шаҳарида ҳам маданият сарой ва битта кўча унинг номи билан аталмоқда. Ҳофиз номидаги ҳалқаро жамғарма фаолият кўрсатмоқда. Элликқалъа туман хокимлиги ташаббуси билан Бўстон шаҳрида Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб ёш ижрочиларнинг «Нафосат бўстоним менинг» номли республика қўшиқчилар кўрик танлови ўтказилмоқда.

Улкан санъаткорнинг қўшиқларини ноталаштиришга бел боғлаган инсон, ҳофизнинг шогирди – Самандар Худойбергановнинг илк китобини ҳайру-саховат рамзи сифатида кўришимиз мумкин. Самандар Худойберганов ҳозирда Урганч Давлат Университетининг мусиқа кафедрасида ишлаб, ёшларга устоз санъаткорларнинг бебаҳо мерос сифатида қолдирган асарларини ўргатмоқда.

Ушбу китоб 2004 йилда нишонланадиган буюк ҳофиз Отажон Худойшукуров таваллудининг 60-йиллигига ҳам унинг камтарона бир туҳфасидир.

*Эркин МАДРАҲИМОВ*
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси,
Хоразм вилояти бўлимининг
масъул котиби,
Қорақалпоғистон республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДИЛ ИЗҲОРИ

Гарчанд ёшим унча катта бўлмаса ҳам, ўқитувчилик фаолиятимга мана қарийиб 30 йил бўлиб қолибди. Талабалик вақтларда устозларимиз «шогирдларга бир нарса ўргата бошлагандагина ҳақиқий илм ўзлаштиришингиз бошланади» деб насиҳат қилардилар. Не чора, ҳаёт мактаби деган энг олий дарсхона ана шундай таажжубли бўлар экан. Мана бугун ёш шогирдларга, университет талабаларига сабоқ берар эканман, ҳаёт тажрибасига, устозлар ўгитларига қайта-қайта мурожаат қилиб, ана шу ҳаёт ҳикматлари нақадар олийжаноб ва умрбоқий эканлигига иймон келтирасан киши.

Мени қўлга қалам олишга ва мазкур тўпламни санъаткорларнинг ёш авлодига тортиқ этишга қуйидаги сабаблар даъват қилди. Биринчидан, мустақиллигимиз туфайли ота-боболардан мерос қолган барҳаёт қўшиқларга эҳтиёж бугун ҳар қачонгидан ҳам баланд. Иккинчидан, «Ватан остонадан бошланади» деганидек, катта санъат йўли қалбимизга сингиб кетган ўзимизнинг мумтоз қўшиқлардан бошланади. ҳар даврнинг ўз куйчиси, ўз ҳофизи бўлади деган гап чин ҳақиқат экан. Бизнинг ёшлигимизда ҳали Бола бахши, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов каби даҳо санъаткорлар ҳаёт эдилар. Аммо, етмишинчи йилларнинг энг жўшқин, ёшу қарига манзур даври-даврон ҳофизларидан бири Отажон Худойшукуров эди. У нафақат оташнафас ҳофиз, шайдойи ижодкор, балки катта устозларга хос бўлган эътиқоди баланд ҳамда ҳимматли инсон бўлиб ўтган. Бугун О.Худойшукуров ҳаёти ва ижодидан оладиган ибратли томонлари кўп. Ана шу эзгу мақсадга интилган ҳамда устоз меросидан намуналар келтириб, қўшиқларнинг бадиий жиҳатларига оид мулоҳазаларни мухлислар билан баҳам кўришга бел боғладик.

Мусиқа ҳақидаги фикр, оддий қилиб айтганда соз ва суҳбат доим ёнма-ён юради. Куй ва қўшиқ фақат парда, усул, оҳанг ва ижродан иборат эмас. Қўшиқда бундан ташқари яна нимадир бор. Мажозий қилиб айтганда, қўшиқнинг қаноти, руҳи, яъни ифодаланган ҳис-туйғулар шуури. Шунинг учун ҳам куй-қўшиқ эшитиб, ундан таъсирлангач, кўнгил мулоҳаза талаб қилади. Ана шу туйғуларни изҳор этиш учун сўз ахтариб қоламиз. Отажон оға билан бўлган мулоқотларимизда ана шундай ҳикматли фикрларни кўп изҳор этар эдилар.

Мен мусиқа мактаби ва санъат билим юртини тугаллаб консерваторияда таълим ола бошлаган, 1977 йилда Отажон оға элга танилган машҳур устоз эди. Бугун вақт ўтиши билан шу дамларни атоқли санъаткор ёнида туриб унга жўрнавозлик қилганимдан, катта-катта саҳналарда ҳамда тўй-ҳашамларда бирга бўлганимдан ғоят бахтиёрман. У инсоннинг олийжаноблигини, саҳий ва беминнат санъаткор эканлигини бировлардан эшитиб эмас, бевосита ҳаёт тажрибасидан кузатишни ўзи катта бахт.

Отажон акадаги менга энг чуқур таъсир ўтказган фазилатлардан бири очиқ кўнгиллик эди. Биз ёшларни ўзининг фарзанди қаторида кўриб очиқ-ойдин маслаҳатлар берарди. Ана шу маслаҳатлардан мени бир умрга эсимда қолгани эшитувчи мухлисга ҳурмат-эътибор билан қарашлик. Катта тўйларда ҳаттоки бир оддий бола ҳам бирон бир ашулани айтиб беришни сўраса, илтимосини ерда қолдирмас эди.

Бунинг устига ўзининг ҳофизлик хизматини тўй-маърака соҳиби ким бўлишидан қатъи назар, бой ёки камбағаллигига қарамасдан чин кўнгилдан ҳалол хизмат қилишга одатланган эди. Сўнгги йилларда саломатлиги бир оз қайтган вақтларда ҳам ўз ашулаларини одатдагидек тик ва фалак пардаларда ижро этиб, ўзини ҳам эшитувчиларни ҳам ошуфтаҳол қилиб қўярди. Ана шундай пайтларда бир куни чидаб туролмасдан «ашулани бир ярим парда пастроқдан айтаверса бўлмасми?» – деган савол билан мурожаат қилганимда узтоз ҳеч иккиланмасдан айтган сўзлари ҳамон эсимда. Ашулани ўз пардасидан айтмасам биринчидан ўзим лаззат олмайман. Иккинчидан мени созимга ва овозимга ўрганган мухлисларнинг ҳам кўнгиллари тўлмайди. Ниманидир йўқотгандай бўлади. Отажонга бир нарса бўлибди, ўзига ўхшамаяпти, деган хаёлга боради. Шунинг учун даврада ашула айтиш – бу марди-майдон.

Отажон ака биз консерваторияда таълим олаётган ёшларга, айниқса катта бир устознинг пешини тутиб санъатнинг битмас-туганмас хазинасидан баҳраманд бўлаётганларга ҳавас кўзи билан қарарди. Эсимда консерваторияни энди тугаллаб, устоз Рўзмат Жуманиёзовга эътиқод билдириб, Хоразм мақомларини ўрганаман деб юрган вақтларим. Шунда бир куни Отажон оға маъюс оҳангда «Сизларни ҳозир илм ўрганадиган пайтларингиз, қани энди мени ҳам шундай имкониятим бўлса, устоз Рўзмат ҳофизни этагидан маҳкам тутиб, Хоразм маҳомлари ва суворийларини бошдан-охир ўргансам» - деган эдилар. Кейинги учрашувларимизга ҳам Отажон оға мени доим сўроқлаб мақом ўзлаштиришим қандай бораётганлигидан хабардор бўлиб турарди.

Яна Отажон оғанинг қимматли маслаҳатларидан бири ашулачилик маданияти бобида бўлган эди. У киши овоз ноёб неъмат эканлиги тўғрисида гапириб айтардиларки, қанчалик ашула ижро



www.ziyouz.com kutubxonasi

этган билан овоз чарчамайди аксинча, кўп айтилганда очилиб бораверади дердилар. ҳофизни чарчатадиган нарса эса уйқусизлик, асабийлик дер эдилар.

Отажон устознинг бошқа кўплаб санъаткорлардан фарқи ижодий баркамоллигида эди. Бу жиҳатдан Отажон оға нималари билан дир Ҳожихон, Комилжон каби беназир устозларга ўхшаб кетарди. Бу улуғ созандаларнинг ижод мезонини ўлчайдиган тарозининг ўзи йўқ, албатта. Лекин шуниси аниқки Ҳожихон ота, Комилжон ака ижролари битилган магнит ёзувларини эшитиб ҳайрон қолишдан бошқа илож йўқ. Чунки улар бир айтган йўлини, (ғазал ёки мухаммасини) оҳангу-ноласини такрорлаб ўтирмайдилар. Бу ижроларда ижод нашидаси жўшиб, барқ уриб туради. Отажон оға қўшиқларида ҳам ана шундай ижодий интилишлар мавжуд.

Отажон Худойшукуров санъати катта мавзу. Мазкур тўпламдан кўзланаётган мақсад эса оддийроқ - санъатга энди қадам қўяётган ёшларга ҳофиз ижодидан намуналар кўрсатиб, Хоразм қўшиқчилигининг кичик бир мактабидан баҳраманд қилиш. Тўпламда Отажон Худойшукуров ижро этган мақом, сувора ёки достон йўлларига батафсил тўхталиб ўтирмасдан, санъаткорнинг ўзи овозига, пардасига мослаб ишлаган қўшиқларидан намуналар келтирдик, холос. Яна бир эътиборли томони шундаки, рўйхатдаги қўшиқларнинг барчаси бизнинг авлод вакилларига таниш, қулоғимизда жаранглаб тургандек. Шунинг учун мазкур нота ёзувларини жонлантириш, ундан ижодий натижа чиқариш ҳам унга қийин бўлмаса керак деган фикрдамиз.

Ушбу тўплам эл оғзига тушган санъаткорлар ижодига бағишланган илк намуналардан бири. Келгусида бу ишни яна давом эттириш ниятидамиз. ҳозир эса ана шу китобча ҳақида билдириладиган фикр ва мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилишга тайёрмиз.

Сўзимизнинг охирида шу тўпламни юзага келтиришда катта хайрихоҳлик билдирган устоз ва ҳамкасб дўстларимга миннатдорчилик билдираман.

*Муаллифдан*





www.ziyouz.com kutubxonasi

# БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ

*Абдулла Орипов* шеъри | *Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Тез, завқ-шавқ билан**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЖАЙҲУН ШАМОЛЛАРИ

*Иброҳим Юсупов* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚОШИМА

*Машраб* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# ШИРИН

*Сафо Очил* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Ўртача тезроқ**






www.ziyouz.com kutubxonasi

# АСТА-АСТА

*Зарифий* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Чаққонроқ**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТАБАССУМ ҚИЛ

*Омон Матжон* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Тез**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# КЎРИНАР

*Омон Матжон* шеъри — *Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Ўртача вазмин**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# ХАБАР ЮБОРДИМ

*Қадам Сайдмурод* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Таъсирчан, ўйноқи**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

## СОҒИНАМАН

*Ошиқ Эркин* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Таъсирчан, эхтиросли**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЖУДОЛИҒНИ

*Машраб* шеъри | *Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Вазмин**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# СОҒИНИБ

*Исҳоқхон Ибрат* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Куйчан**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЭЙ ФАЛАК

*Машраб* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Кенг, вазмин**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# СЎЙЛА ГЎЗАЛ, КИМНИ СЕВАР ЁРИСАН

*Сайфи Нажмий* шеъри *Отажон Худойшукуров* мусиқаси

Ўртача тез






www.ziyouz.com kutubxonasi




## ОЛАМДА БИР

*Ошиқ Эркин* шеъри *Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Тез, завқ-шавқ билан**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




## ЭШИГИНГНАН ЎТАРМАН БИР КУН

*Омон Матжон* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Вазмин**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЙЎҚДУР

*Омон Матжон* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Ўртача тез**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# ГУЛЛОЛА КЕЛТИРИБДИ

*Эркин Самандар* шеъри *Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Жонли**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# САЛОМЛАРИНГ ЁДИМДА

*Омон Матжон* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

Тез






www.ziyouz.com kutubxonasi

## НАРГИЗЛАРИНГ ЭЙ ШЎХ

*Ошиқ Эркин* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Вальс суръатида**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТАШЛАЙ-ТАШЛАЙ КЕТАРСАН

*Маҳтумкули* шеъри · *Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Шошилмай**






www.ziyouz.com kutubxonasi




## ЁР УЁНМАДИНГ

*Мулло Нафас* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Ҳаяжонли, таъсирчан**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# ШАЙДО ДЕНГЛАР

*Сафо Очил* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Вазминроқ**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




## СЕВДИМ ДИЛОРОМИМНИ МАН

*Ошиқ Эркин* шеъри *Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Ўртача тезроқ**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




## ҚУВОНАДУРМАН

*Сайфи Нажмий* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Ўртача тез**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




## ТОПМАДИМ

*Алишер Навоий* ғазали

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Тезроқ**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




## УМР ЎТАР, ВАҚТ ЎТАР

*Омон Матжон* шеъри

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Эркин ижрода**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




## МУҲАББАТИМНИ

*Ошиқ Эркин* шеъри *Отажон Худойшукуров* мусиқаси






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

## СОЛЛОНА-СОЛЛОНА

(«Ошиқ Ғариб ва Шохсанам» достонидан)

**Тез, енгил**




## ДАРДИ ДИЛИМ АНГО ДЕДИМ

*Огаҳий* ғазали

*Отажон Худойшукуров* мусиқаси

**Ўртача, тез**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi




## ЛАЗГИ

*Халқ сўзи* *Отажон Худойшукуров* қайта ишлаган

**Секин, жонлантириб.**






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ

*Абдулла Орипов* шеъри

Кеча оқшом фалакда ой бўзариб ботганда,
Зуҳра юлдуз милтираб, хира ханда отганда,
Руҳимда бир маъюслик, сокинлик уйғотганда,
Мени сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим.

Ўтди ёшлик завқ билан, гоҳи тўполон билан,
Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан,
Айри ҳам тушдим баъзан қалб билан имон билан,
Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим,
Мангу ғафлатда қотдим, биринчи муҳаббатим.

Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан,
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан,
Лекин инсон, ҳамиша бир ҳисга асир экан,
Нечун билмовдим аввал, биринчи муҳаббатим,
Парво қилмовдим аввал, биринчи муҳаббатим.

Ҳолбуки орзулардан жудо ҳам бўлганим йўқ,
Юлдуздай кулганим йўқ, ой каби тўлганим йўқ,
Эрта хазон гул каби сарғайиб, сўлганим йўқ,
Сени эслаб йиғлайман, биринчи муҳаббатим,
Эслаб бағрим тиғлайман, биринчи муҳаббатим.

Йўлин йўқотса одам — муҳаббатга суянгай,
Ғуссага ботса одам — муҳаббатга суянгай,
Чорасиз қотса одам — муҳаббатга суянгай,
Мен кимга суянгайман, биринчи муҳаббатим ,
Фақат эслаб ёнгайман, биринчи муҳаббатим!

Нидо бергил, қайдасан, шарпангга қулоқ тутдим,
Сирли тушлар, кўриб мен бор дунёни унутдим,
Тонгда туриб номингга ушбу шеъримни битдим,
Дилдаги оҳим менинг, биринчи муҳаббатим,
Ёлғиз оллоҳим менинг, биринчи муҳаббатим.

## ЖАЙҲУН ШАМОЛЛАРИ

*Иброҳим Юсупов* шеъри

Қайда юрсам соғинтирар,
Она юртим томонлари.
Хаёлимда саҳар-саҳар,
Эсар Жайҳун шамоллари.

Атиргул териб чўллардан,
Гули райҳон чаманлардан.
Бизнинг бу гўзал эллардан,
Эсар Жайҳун шамоллари.

Ўзбекистон шонли диёр,
Булбуллар ишқинда ёнар.
Ҳамма фаслингда навбаҳор,
Эсар Жайҳун шамоллари.

Умр қисқа манзил узоқ,
Йиллар биздан кетар йироқ.
Мангу қўшиқ каби гувлаб,
Эсар Жайҳун шамоллари.

Эллар нур олар нозингдан,
Улуғ дарёи азимдан.
Қорақалпоқ, Хоразмдан,
Эсар Жайҳун шамоллари.

Иброҳим дер эл нафаси,
Жайҳуннинг сирли шарпаси.
Умримнинг боқий сабоси,
Салом Жайҳун шамоллари.

## ҚОШИМА

*Машраб* ғазали

Тушди савдои муҳаббат бошима,
Ор этар мардум келурға қошима.

Кўб муҳаббат куйида қон йиғладим,
Етти иқлим ғарқ бўлди ёшима.

Сажда айлар зоҳид ул меҳроб аро,
Мен қилурман сажда эгма қошима.

Муҳтасиб тўктурди соқий бодасин,
Етмади ақлим мени сирдошима.

Кунда юз минг жабр қилсанг, ўргулай,
Қўй қараб ғам юкини бардошима.

Машраби девонани ҳайрон этиб,
Не сабабдин келмадинг бир қошима.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШИРИН

*Сафо Очил* шеъри

Дилбар менга боқди ширин,
Иболи қош қоқди ширин.

Шундан бери йўқдир ором,
Нега шунча ёқди, ширин.

Ёр не деса бари ширин,
Деган хаёл ёғди ширин.

Жуфти бўлса, боқмас эрди,
Балки ҳануз тоқ-ди, Ширин.

Ишқ муҳаббат дарёсида,
Доим бирга оқди Ширин.

Бахтли ҳаёт бўстонидан,
Кўксимга гул тақди, ширин.

Сафо Очил, ёрга қайрил,
Такрор сирли боқди, ширин.

## АСТА – АСТА

*Зарифий* шеъри

Билсанг гўзал васлини,
Мафтун этади сени.
Кўчасидан ҳар куни,
Ўтарсан аста-аста.

Бўлсанг гўё бир булбул,
Ёр деб талвос урса дил.
Эшигина ташлаб гул,
Ўтарсан аста-аста.

Ёр учрашув жойига,
Келмаса сув бўйига.
Ўйланиб ғам лойига,
Ботарсан аста-аста.

Ошиғ висол васлига,
Булбул баҳор фаслига.
Зариф сан ёр васлига,
Етарсан аста-аста.

## ТАБАССУМ ҚИЛ

*Омон Матчон* шеъри

Турналар учди, булутлар кўчди.
Ёғочлар барги ерларга тушди.

Нақорот:

Ғамгин кўрдим сани бу кеча
Баҳорингни берма бу куза.
Табассум қил, табассум қил.

Нечун ой йўқдир, нурга жой йўқдур,
Ёшли кўзинг бор, жўшқин сой йўқдур.

Нақорот:

Ғамгин кўрдим сани бу кеча
Баҳорингни берма бу куза.
Табассум қил, табассум қил.

Жавобсиз сўзим, зор бўлди кўзим,
Дардинг надур айт, жон тутай ўзим.
Қўзғалсин тоғлар, чайқалсин боғлар,
Қуёш юзидан йўқолсин доғлар.

Нақорот:

Ғамгин кўрдим сани бу кеча
Доғ ярашмас бу оппоқ юза.
Табассум қил , табассум қил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КЎРИНАР

*Омон Матжон* шеъри

Ўқий олмас бўлдим китоблар,
Ҳафрлар кўзга аранг кўринар.
Фақат сенинг чеҳранг кўринар,
Сўзлар достонидан кетиб.

Чаман кезсам энди тинчим йўқ,
На капалак, на ранг кўринар.
Фақат сенинг чеҳранг кўринар,
Гуллар бўстонидан кетиб.

Оқшом кўзни юмсам ҳам шу ҳол,
Кўкда ялт-ялт бир ранг кўринар.
Фақат сенинг чеҳранг кўринар,
Юлдуз осмонидан кетиб.

Муҳаббат деб келдим дунёга,
Ошиққа ер бир тонг кўринар.
Фақат сенинг чеҳранг кўринар,
Дунё ҳар ёнидан кетиб.

## ХАБАР ЮБОРДИМ

*Қадам Саидмурод* шеъри

Турналарга айтиб кўнгил розимни,
Фалаклардан сизга хабар юбордим.

Гоҳ кулдириб, гоҳ йиғлатиб созимни,
Юраклардан сизга хабар юбордим.

Исмин айтиб, куйлаб боқсам булоқлар,
Хуш хабарга тўлар яқин йироқлар.

Гуллолалар мани бир кун сўроқлар,
Чечаклардан сизга хабар юбордим.

Ишқ аҳлининг буюк экан инъоми,
Тилларимда лайли ширин каломи,

Йиллар аро етар соғинч саломи,
Эртаклардан сизга хабар юбордим.

## СОҒИНАМАН

*Ошиқ Эркин* шеъри

Хаёлларим олдинг мени,
Не куйларга солдинг мени.
Барбод бўлди ҳаловатим,
Дил торларим чалдинг мени.

Нақорот:
Ўлтираман. Ўйлонаман.
Тўлғонаман ҳам ёнаман.
Сенинг мовий кўзларингни.
Хумор-хумор соғинаман.

Осмонимда ҳумой эдинг.
Малоҳатларга бой эдинг.
Ҳуру-малаклар элинда.
Менинг учун бир ой эдинг.

Нақорот:
Ўлтираман. Ўйлонаман.
Тўлғонаман ҳам ёнаман.
Сснинг мовий кўзларингни.
Хумор-хумор соғинаман.

Узоқ бир юлдузсан бугун.
Топилмас кундузсан бугун.
Ишонгил тошга айланди.
Сен дилда қолдирган тугун.

Нақорот:
Ўлтираман. Ўйланаман.
Тўлғонаман ҳам ёнаман.
Сенинг мовий кўзларингни.
Хумор-хумор соғинаман.

Тугаб кўзимда ёшларим.
Битиб борар бардошларим.
Тўпланиб Ошиқ Эркинга.
Кўнгил беринг, дарддошларим.

Нақорот:
Ўлтираман. Ўйланаман.
Тўлғонаман ҳам ёнаман.
Сенинг мовий кўзларингни.
Хумор-хумор соғинаман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЖУДОЛИҒНИ

*Машраб* ғазали

Кел эй дилбар баён айлай сенга бир-бир жудолиғни.
Ки шояд раҳм этиб солсанг ўзингга ошнолиғни.
Тамоми хонумонимдин кечибон бир сени дерман.
Ўзингдин ўзга билмайдур, ўзинг билғил фидолиғни.
Чу сендин ўзгани демам, қасам оллоҳ қабул этғил.
Ки зулминг ўзгага айлаб, менга бергил сафолиғни.
Сулаймон тахти-ю Жамшидни жомиға бермасман,
Қўлимға косаи чўбин олиб қилсам гадолиғни.
Аё эй тошюрак бедил, жафожў, зулмгар, бедод,
Нигоро, кимдин ўргандинг мунингдек бевафолиғни?
Сен, эй зоҳид, насиҳатни бориб меҳроб аро айтғил,
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз киши сендек риёлиғни.
Риё тоат қилиб, кундузлари ўзни дебон муршид,
Кечадин тонг қадар қилғунг ўзингдек юз қаролиғни.

## СОҒИНИБ

*Исҳоқхон Ибрат* шеъри

Гулдек юзингни дилбарим,
Кўргони келдим соғиниб.
Сан — шоҳи олам, ман — гадо,
Кўргони келдим соғиниб.

Ишқингда дилбар зор-зор,
Йиғлаб юрибман, эй нигор.
Кел эй, букун кўзи хумор,
Кўргони келдим соғиниб.

Тан ичра жоним сан эдинг,
Хуш меҳрибоним сан эдинг.
Ширин забоним сан эдинг,
Кўргони келдим соғиниб.

Боғу-баҳорим сан мани,
Кўзи хуморим сан мани.
Ширинг забоним сан мани,
Кўргони келдим соғиниб.

Мандин яширма юзларинг,
Ёдимға тушти сўзларинг.
Куйдирди ёрим кўзларинг,
Кўргони келдим соғиниб.

Куйингда дилбар зор-зор,
Шому сабо, лайлу наҳор.
Йўқ эмди бизда ихтиёр,
Кўргони келдим соғиниб.

## ЭЙ ФАЛАҚ

*Машраб* ғазали

Эй фалак қилдинг мени ул меҳрибонимдин жудо,
Бубули шўрида янглиғ гулистонимдин жудо.

Найлайин. қилдинг мени охир ғарибу нотавон,
Мубталои ғам қилиб кўксимда жонимдин жудо.

Қумри янглиғ бандалик тавқини бўйнумга солиб,
Термулиб ҳайрон эдим сарви равонимдин жудо.

Оҳ уриб қон йиғласам айб айламанг, эй дўстлар,
Мен бўлибман тўтии ширин забонимдин жудо.

Кўҳ ба кўҳ, саҳро ба саҳро, Машрабо юрмоқ надур,
Чуғзи бевайронадурман ошиёнимдин жудо.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СЎЙЛА ГЎЗАЛ, КИМНИ СЕВАР ЁРИСАН

*Сайфи Нажмий* шеъри

Аввал бошда мажлисингда кўришдим,
Сўйла гўзал, кимни севар ёрисан.
Ўлдирмоқчи бўлдинг, қочдим қутулдим,
Сўйла гўзал, кимни севар ёрисан.

Томоша айладинг мани ўйима,
Адаб икром билан галдинг ёнима.
Камардайин зулфинг солдинг бўйнима,
Сўйла гўзал, кимни севар ёрисан.

Кўзларинг жаллоддур кипригинг наштар,
Билмам шу насибам қайларга тортар.
Сани куйлаш дардим кунма-кун ортар,
Сўйла гўзал, кимни севар ёрисан.

Биз ҳам ошиқ бўлдик шу жаллод кўзга,
Ҳақиқий ошиғдур шу жаллод кўзга.
Нажибсан суйласанг ўз сўзинг сўйла,
Сўйла гўзал, кимни севар ёрисан.

## ОЛАМДА БИР

*Ошиқ Эркин* шеъри

Сен каби, эй маҳлиқо, оламда бир,
Дилрабо, ҳурилиқо оламда бир.

Севги боғин булбули гўёсисан,
Андалиби хушнаво оламда бир.

Йўқ сенинг лаъли зулолингга қиёс,
Бўсаси дардга даво оламда бир.

Нағмасозу хушкалом, лутфи ширин,
Сўзлари нашъу наво оламда бир.

Чеҳраси гул, кўз қора, қўллар хино,
Дийдам узра тўтиё оламда бир.

Ошиқ Эркин, қандинг ургил, сен каби,
Чин вафога ошино оламда бир.

## ЭШИГИНГДАН ЎТАРМАН БИР КУН

*Омон Матжон* шеъри

Куз ёйса ҳам йўлларга ҳазон,
Қор кўмса ҳам борлиқни бутун,
Кўклам келиб, урса ҳам хандон,
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Сочларингга тушса ҳамки оқ,
Пешонангни босса ҳам ажин,
Кирганда ҳам гавдамга титроқ,
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Майли, шунда танимасанг ҳам,
Ёки десанг, кўрмайин турқин,
Ёшим ютиб, бошим қилиб хам,
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Мени демай юмсанг ҳам кўзинг,
Хонанг қолса зулматга тутқун,
Хотирангга шам бўлиб ўзим,
Эшигингдан ўтурман бир кун.

Вақтим етиб чиқса бу жоним,
Дардларимга ясалса якун,
Қабристонга тобут ичра жим,
Эшигингдан ўтурман бир кун.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЙЎҚДУР

*Омон Матжон* шеъри

Мен булут бағрига син солиб боқсам,
Селлари кўзимда бир намча йўқдир.
Ваҳшати тун ёрган йилдиримнинг ҳам,
Бардоши титраган бир шамча йўқдир.

Қадимда бир юртнинг нодон ҳоқони,
Варрак кашф этганнинг тўкибди қонин,
Ёлғоннинг тахтдаги юз йил даврони,
Ҳақиқат айтилган бир дамча йўқдир.

Тенглик йўқ жойларда ёмондир қисмат,
Тили омон бўлса ўлмайди миллат.
Дунёда ҳеч бир хил қуролда қудрат,
Тинчлик сўзин ёзган қаламча йўқдир.

Жоним, бу одамлар бунчалар тажанг,
Олдинда-ку жанглар, орқада ҳам жанг.
Жаҳон йўлларини қилиб боқсанг жам,
Иккимиз отган бир қадамча йўқдир.

## ГУЛЛОЛА КЕЛТИРИБДИ

*Эркин Самандар* шеъри

Гулчеҳра совға айлаб гуллола келтирибди,
Наҳотки гулни менга қиз бола келтирибди.

Гулга тўлиб қучоғи, гулдай ёниб ёноғи,
Кўздан қочиб уёла-уёла келтирибди.

Гулларда келтирибди ул қатра-қатра шабнам,
Гўёки бода лим-лим пиёла келтирибди.

Баргларда ранг жимирлар оқар дилимга пайваст,
Шовуллаган ранго-ранг шалола келтирибди.

Самандар эрди ташна қайдан топиб хабар ёр,
Япроғ ичида меҳри зилола келтирибди.

## САЛОМЛАРИНГ ЁДИМДА

*Омон Матжон* шеъри

Дарди-дилим эдинг-эдинг,
Севган гулим эдинг-эдинг.
Сеникиман мудом эдинг,
Мудомларинг ёдимда.

Сен кетдинггу эркам мени,
Саломларинг ёдимда.
Лабинг шароридан берган,
Инъомларинг ёдимда.

Тоғларни қор ёдиндадур,
Ошиқни ёр ёдиндадур.
Ҳофизни тор ёдиндадур,
Пайғомларинг ёдимда.

Юришларинг тил мавсуми,
Туришларинг дил мавсуми.
Қарашларинг гул мавсуми,
Хиромларинг ёдимда.

Сен кетдингу эркам лекин,
Саломларинг ёдимда.
Лабинг шароридан берган,
Инъомларинг ёдимда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## НАРГИЗЛАРИНГ ЭЙ ШЎХ

*Ошиқ Эркин* шеъри

Наргизларинг эй шўх шаҳло, шаҳло, шаҳло
Оҳу кўзлардан ҳам аъло, аъло, аъло.

Шамшодни лол айлар сарви қаддинг ёр эй,
Бунча бўларму ёр зебо, зебо, зебо.

Ошуфталар этди ҳусни малоҳатинг,
Қайдин бўла қолдим шайдо, шайдо, шайдо.

Ғайрат камарини ечма Ошиғ Эркин,
Бўлмағунча дилдор лайло, лайло, лайло.

## ТАШЛАЙ-ТАШЛАЙ ГЕТАРСАН

*Маҳтумқули* шеъри

Фанодан бақога кўчо-кўч бўлса,
Термулибон боқа-боқа гетарсан.
Ажал жомин суниб ич – ҳо ич бўлса,
Жон азобин чека-чека гетарсан.

Қардошларинг қилар зори гирёна,
Нигоринг соч ёйиб қилар афғона.
Молинг қисмат бўлиб қолар талона,
Сан азобин чеко-чеко гетарсан.

Дунёда минг таноб ерларинг бўлса,
От-яроғ, асбобу шайларинг бўлса.
Сандиқ-сандиқ тўла молларинг бўлса,
Пайдоси йўқ ташлай-ташлай гетарсан.

Маҳтумқули тушгин ишқ гузарига,
Ким бор сўзлашга олса назарига.
Ҳеч ривож топмадим сўз бозорига,
Харидорсиз тўко-тўко гетарсан.

## ЁР УЁНМАДИНГ

*Мулло Нафас* шеъри

Йўлим душиб галдим санинг ёнигга,
Ёр уёнғил дедим, сан уёнмадинг.
Қушлар оҳ айлади қилғон зорима,
Ҳаммалар уёнди, сан уёнмадинг.

Тонг саҳардан эсар сабонинг гули,
Ман булбулам ёд айларам ул гулни.
Энди душим айтар надир хаёлим,
Сирим фош айладим, сан уёнмадинг.

Кеча қоронғидир, кўзларим кўрмас,
Хаёлим кеч бўлди фикрим илинмас.
Яхшидан ёмондан ёрим сас бермас,
Узун кеча ўтди ёр уёнмадинг.

Нафас айтар энди кетарман мундан,
Тонг шамоли ўтар бўлди бу жондан.
Энди қўл кўтардим севарим сандан,
Сирим фош айладим, сан уёнмадинг.

## ШАЙДО ДЕНГЛАР

*Сафо Очил* шеъри

Илтимосим, гавҳаримга,
Бориб мени шайдо денглар.
Ўртанурман фироғида,
Кўнгли онинг дарё, денглар.

Лола юзли гўзал нигор,
Асир этди ақлу ҳушим.
Гар етмаса висолингга,
Ақлу ҳушдан жудо денглар.

Ёр изига бошим қўйсам,
Ном қўйдилар Мажнун дея,
Ишқ боғига келиб Мажнун,
Қилди таъзим анго, денглар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Етказибди дилдоримға,
Ғаним мени бевафо деб.
Бориб дўстлар, гулёримга,
Ғаним сўзин хато денглар.

Етиб бир кун висолиға,
Гуллагай кўнглим баҳори.
Ҳижронида беморликдин,
Мангу очил Сафо денглар.

## СЕВДИМ ДИЛОРОМИМНИ МАН

*Ошиқ Эркин* шеъри

Дўстларим кангул қўиб севдим диломимни ман.
Эл кезарман ёди бирла йўқлаб оромимни ман.

Қочгай уйқу кўзларимдан соғиниб тун кечалар,
Ухламай кундузга бердим кўп ширин шомимни ман.

Мен уни ширин десам қилмангиз айб дўсту ёрлар,
Севгимиз достон этай Фарҳод қўйиб номимни ман.

Ишқимиз пок чашмасидан баҳра олсин ўзгалар,
Шул эрур истак, сўрай жавлон уриб комимни ман.

Нола қилмас Ошиқ Эркин дил тўла меҳру вафо,
Ёд этарман ҳар қадамда сен диломимни ман.

## ҚУВОНАДУРМАН

*Сайфи Нажмий* шеъри

Дунёда борлиғидан қувонадурман,
Офтоб юзинг кўролмай ҳайронадурман.
Мен билмам не сабабдур ёд айламайсан,
Элу элатлар ичра афсонадурман.

Сенсиз ёлғизлиғимдан оҳим оламдур,
Ишқ оташида бағри сўзонадурман.
Нозу назокатингдан ўртанди жоним,
Лутфу карамдан токай бегонадурман.

Муштоқ гулига танҳо висолинг орзу,
Гар бўлмаса муяссар гирёнадурман.
Мужгон ўқини узгил мардона Сайфий,
Кўксин қалқон этарга нишонадурман.

## ТОПМАДИМ

*Алишер Навоий* ғазали

Меҳр кўп кўргуздим аммо меҳрибоне топмадим,
Жон басе қилдим фидо оромижоне топмадим.

Ғам билан жонимга етдим ғамгусори кўрмадим,
Хажр ила дилхаста бўлдум, дилситони топмадим.

Ишқ аро юзминг маломат ўқиға бўлдум нишон,
Бир камон абруда тузлуқдин нишони топмадим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўнглим ичра сарви ўқдур, ғунча пайкон, гул тикон,
Даҳр боғи ичра мундоғ гулситони топмадим.

Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен,
Бир замон ишқида меҳнатдин амони топмадим.

## УМР ЎТАР, ВАҚТ ЎТАР

*Омон Матжон* шеъри

Умр ўтар, вақт ўтар,
Хонлар ўтар, тахт ўтар.
Омад ўтар, бахт ўтар,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан,
Сенинг юришларинг, сенинг кулишларинг.

Баҳорда боғ на гўзал,
Қор тушса тоғ на гўзал,
Бу ёшлик чоғ на гўзал,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан,
Сенинг юришларинг, сенинг кулишларинг.

Ой чиқар гоҳ заҳоли,
Дўстлар кўпдир вафоли,
Ҳаёт шундан сафоли,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан,
Сенинг юришларинг, сенинг кулишларинг.

Умр – йўл, қайрилиш кўп,
Учрашиш, айрилиш кўп,
Унутиш, айтилиш кўп,
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан,
Сенинг юришларинг, сенинг кулишларинг.

## МУҲАББАТИМНИ

*Ошиқ Эркин* шеъри

Қўшиқ қилиб куйларман санам,
Сенга ёниқ муҳаббатимни.
Эллар кезиб сўйларман санам.
Сенга ёниқ муҳаббатимни.

Қўшиғимнинг алвон байтлари,
Қуёш бўлиб сочарлар зиё.
Тонглар бедор ўйларман санам,
Сенга ёниқ муҳаббатимни.

Сайёралар лол қолур ҳатто,
Тошқин дилим наволаридан.
Инон достон айларман санам,
Сенга ёниқ муҳаббатимни.

Юрагимдан заррин нур олиб,
Чароқлагай сўлим оқшомлар.
Дилга мангу жойларман санам,
Сенга ёниқ муҳаббатимни.

Ошиқ Эркин юрагинг машъал,
Садоқатинг кўк каби равшан.
Қайнаб тошиб куйларман санам,
Сенга ёниқ муҳаббатимни.

## СОЛЛОНА-СОЛЛОНА

(«Ошиқ Ғариб ва Шохсанам» достонидан)

Кўрдим икки пари галар
Галар соллона-соллона
Ошиғини кўнглин олиб
Галар соллона-соллона

Бири гулдир бири ғунча
Ул бири йўқдур санамча
Томоша айланглар барча
Галар соллона-соллона



www.ziyouz.com kutubxonasi

Икки пари ҳамдам бўлиб
Бир-биридан нусҳа олиб
Қиё боқиб қўлин солиб
Галар соллона-соллона

Ўн тўрт кечали ой каби
Туморлари хумой каби
Катта давлатли бой каби
Галар соллона-соллона

Ғариб дер ошиғ одина
Ҳақ етирсин муродина
Душмам ойролиқ ўтина
Галар соллона-соллона

## ДАРДИ ДИЛИМ

*Огаҳий* ғазали

Дарди дилим анго дедим, дема ани манго деди,
Ким манга ошиқ ўлса, ул лозим эрур анго деди.

Юз уза икки наргисинг, ваҳ не бало қаро дедим,
Кўнглунгу жонинг олгучи икки қаро бало деди.
Лабларинг оғзима етур, жон топайин анго дедим,
Лаъли табассум айлабон йўқму ўлум санго деди.

Ҳуснунга айлабон назар, мен сари бир қаро дедим,
Ёшурубон юзин, кет, эй масхара, беҳаё деди.
Огаҳий комини недин айламагунг раво дедим,
Ком топарму жонин ул қулмоғунча фидо деди.

## ЛАЗГИ

Халқ сўзи

Паранг рўмол бошинда,
Ганжумлари қошинда.
Ўзи неча ёшинда,
Қайғу алам бошинда.

Сув галади бошиннан,
Дегирмонни дошиннан.
Акагинанг айлансин,
Кўзгинангни ёшиннан.

Шаббоз қовун тўрлама,
Тўрткўл йўлин йўллама.
Юртингиза бир галдик,
Ука бизни хўрлама.

Магазина борсам гуним ботади,
Мазигинчи ука нoввот отади.
Отган нoввотини ёмон гўрмиман,
Одамлар ичинда қаттиқ ботади.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУНДАРИЖА

Қалам ва тор ... 3
Муаллифдан ... 4
Биринчи муҳаббатим ... 6
Эсар Жайҳун шамоллари ... 11
Қошима ... 13
Ширин ... 15
Аста-аста ... 16
Табассум қил ... 18
Кўринар ... 20
Хабар юбордим ... 22
Соғинаман ... 25
Жудолиғни ... 28
Соғиниб ... 30
Эй фалак ... 33
Сўйла гўзал, кимни севар ёрисан ... 35
Оламда бир ... 36
Эшигингнан ўтарман бир кун ... 38
Йўқдур ... 40
Гуллола келтирибди ... 43
Саломларинг ёдимда ... 45
Наргизларинг эй шўх ... 47
Ташлай-ташлай гетарсан ... 49
Ёр уёнмадинг ... 50
Шайдо денглар ... 52
Севдим дилоромимни ман ... 54
Қувонадурман ... 56
Топмадим ... 58
Умр ўтар, вақт ўтар ... 60
Муҳаббатимни ... 62
Соллона-соллона ... 65
Дарди дилим анго дедим ... 67
Лазги ... 69
Қўшиқлар матни ... 70



www.ziyouz.com kutubxonasi